Аллоҳ азза ва жалла кундузи ёмонлик қилган одам тавба қилиши учун кечаси қўлини очади. У Зот кечаси ёмонлик қилган одам тавба қилиши учун кундузи қўлини очади, токи қуёш ботадиган жойидан чиққунига қадар шундай бўлади», дедилар

Абу Мусо разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ азза ва жалла кундузи ёмонлик қилган одам тавба қилиши учун кечаси қўлини очади. У Зот кечаси ёмонлик қилган одам тавба қилиши учун кундузи қўлини очади, токи қуёш ботадиган жойидан чиққунига қадар шундай бўлади», дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло Ўз бандаларидан тавбани қабул қилишини хабар бермоқдалар. Агар банда кундузи гуноҳ қилиб, кечаси тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Агар кечаси гуноҳ қилиб, кундузи тавба қилса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Аллоҳ таоло тавбадан шодланиб ва уни қабул қилиш учун қўлини ёяди. Дунё тугашидан дарак берувчи қуёш мағрибдан чиққунга қадар тавба эшиги очиқ бўлаверади. Қуёш ботишдан чиққанда эса тавба эшиги ёпилади.

https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/4318